

Б.М. МАНСУРОВ

ТИШЛАРНИ КЎЧИРИБ ЎТКАЗИШ



ТОШКЕНТ

Б.М.МАНСУРОВ

**ТИШЛАРНИ КЎЧИРИБ
ЎТКАЗИШ**

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 616.314-089.843
КБК 56.6
X-30

X-30 Б.М.Мансуров. Тишларни кўчириб ўтказиш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 368 бет.

ISBN 978–9943–4350–3–2

Монографияда тиш трансплантатларини тайёрлаш, кўчириб ўтказиш масалалари ва стериллаш усуллари кўрилади.

Шунингдек, тиш трансплантатларини консерва-циялаш усуллари ҳам муфассал баён этилган. Эксперимент ва клиника шароитида аллоген тишлардан фойдаланиб тиш қатори нуқсонларини алмаштириш мумкинлиги исботланди. Бу операциялардаги учраши мумкин бўлган хатолар ва асоратлар кўриб чиқилди.

Тиш реплантациясининг замонавий усуллари келтирилди, сақланиб қолган тиш пульпаси билан тиш реплантацияси мумкинлиги исботланди. Итларда олиб борилган тажрибаларда тиш қатори нуқсонларини тиш куртагини кўчириб ўтказиш йўли билан алмаштириш мумкинлиги исботланди. Тиш кўчириб ўтказиш жараёнида хавотирликни тузатиш ва комплекс ташхислаш усуллари баён этилди.

Монография тиш трансплантология соҳасига ихтисослашган шифокор-стоматологларга мўлжалланган.

Илмий маслаҳатчи:

Москвадаги болалар юз-жағ жарроҳлиги маркази раҳбари, МСИТИ бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор **В.В.Рогинский**.

Таржимонлар:

Республика стоматологик имплантология Маркази бўлим бошлиғи, олий тоифали стоматолог-жарроҳ, имплантолог **Т.М.Муллаев**.

Қўқон шаҳар стоматология поликлиникаси врач-стоматологи **Х.Т.Муллаев**.

Тақризчи:

А.А. Абдуқодиров – ТошВМОИ «Жарроҳлик стоматологияси» кафедраси мудири, профессор

Ушбу монография ТошВМОИ жарроҳлик бўйича илмий Кенгашининг 2014 йил 18 июлдаги 8-сонли йиғилиш қарорига асосан чоп этилди.

ISBN 978–9943–4350–3–2

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

СЎЗ БОШИ

«СОҒЛОМ ТИШ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ»

Тишлар яхши ишласа, ошқозон соғлом бўлади.

(Афоризм)

Тишлар ва юз-жағ тизимидаги ўзгаришларни ўрганувчи стоматология фани – юнонча «стома» (stoma) – оғиз бўшлиғи, «logos» – фан маъноларини англатади. Стоматология ҳозирги кунда умумий тиббиётнинг ажралмас бир қисми бўлиб, ўзининг турли хил тармоқларига – жарроҳлик, ортопедия, терапия, болалар стоматологияси, ортодонтия ва имплантология соҳаларини мужассамлаштирган.

Бу ҳар бир тармоқ бир-бири билан узвий боғлиқликда ривожланиб, ҳар бири мустақил фан тармоғи даражасида кўтарилмоқда. Тишлар ва улар атрофидаги тўқималарда вужудга келадиган патологик жараёнлар маҳаллий ва умумий организм ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Энг кўп ҳолатларда бу нарсага тиш емирилиши – кариес касаллиги ва унинг асоратлари сабаб бўлади. Фан ва техниканинг юксак ривожланган даврида яшаётганимиз, шунингдек, янги даволаш усуллари кенг қўлланилишига қарамасдан, ҳалигача тишларни олиб ташлаш жуда кўп учрайди. Бу нарса айниқса, ёш авлодда, болаларда кўп учраши, улар катта ёшга етган сари, юз-жағ тизимидаги нуқсонларнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Сўнгги 20-25 йил ичида катталар стоматологиясида тиш қатори нуқсонларини тиклаш учун имплантация усули жуда кенг қўлланилмоқда. Бу усул беморларга қулайлик туғдиради, уларни олиб қўйиладиган протезлардан халос этади. Баъзи ҳолатларда ўзининг соғлом тишларини чархлашдан ва келажакда касалланишидан халос қилади.

Бу усул бизнинг республикада ҳам 1987 йил 20 мартдан бошлаб қўлланила бошланди. Биринчи бўлиб, бу усулни бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолатда Қўқон шаҳрида стоматология

поликлиникасида ва Тошкент давлат тиббиёт институтида амалга оширишга киришилган.

Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 1987 йил 14 сентябрь 1352-сонли буйруғига асосан имплантация усулини Республикада кенг тарғиб этиш, мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Қўқон шаҳар стоматология поликлиникаси қошида Республика стоматология имплантология Маркази ташкил этилган (РСИМ).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 24.06.1997 йилги 304-сонли буйруғига асосан Республика стоматология имплантология Маркази (РСИМ) раҳбари қилиб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, Хитой Халқ Республикасининг фахрий профессори, Тошкент давлат тиббиёт врачлар малака ошириш институтининг доценти, тиббиёт фанлари номзоди Мансуров Бахтиёр Мансурович тайинланди.

Ўтган йиллар давомида марказ ходимлари томонидан 6.5 мингдан ортиқ беморга 8.0 мингдан зиёд турли хил титандан, лейкосапфирдан, КХСдан, шаклини эслаб қолиш хусусиятига эга никелид титандан тайёрланган имплантатлар ўрнатилиб, сифатли протезлар қўйиб берилди.

151 та рационализаторлик, 7 та ихтиро гувоҳномаси олинган, 15 та методик қўлланмалар ва буклетлар, 2000 дан ортиқ тиш касалликларини даволашга доир слайд тайёрланиб, улардан фойдаланилмоқда, шунингдек, 6 та видеофильм стоматолог врачлар учун қимматли қўлланма вазифасини ўтамоқда.

Чет эллик мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадида Россия марказий стоматология илмий тадқиқот институти, Қозон Тиббиёт институти, Томск шаклини эслаб қолиш хусусиятли имплантатлар, Бутун Россия тиббий инженерлик маркази, Хитой Халқ Республикаси Сиан Медицина университети Стоматология куллиёти, ТТА билан узвий алоқада амалий ва илмий изланишлар олиб борилди.

Бугунга келиб, бу усулни республикадаги барча вилоятларда, айниқса, Тошкент шаҳрида кенг қўлланилмоқда. Лекин юз-жағ тизимидаги нуқсонлар камайгани йўқ. Бу эса, ёшликдан имкони борича тишларни сақлаб қолиш муҳим эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

1994 йил сентябрь ойида Бошқирдистон Республикаси пойтахти Уфа шаҳрида тиш трансплантологияси масалаларига бағишланган 1-халқаро анжуман ўтказилди. Унда профессор Р.А.Ҳасанов таклифига биноан Республика стоматология имплантология маркази бўлим бошлиғи олий тоифали шифокор Муллаев Турсунали Муқимович иштирок этган.

Тиш реплантацияси, аллотрансплантацияси, тиш куртакларини кўчириб ўтказиш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

2003 йил 13-14 июнда Қўқон шаҳрида «Тиш имплантациясининг долзарб муаммолари» мавзусида I-миллатлараро имплантология бўйича конгресс ўтказилди. Анжуманда Россия, Украина, Болтиқ бўйи давлатларидан, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва бошқа давлатлардан йирик мутахассис олимлар ўз маърузалари билан қатнашдилар. Анжуманнинг иккинчи куни кўргазмали ҳозирги кундаги имплантация бўйича жарроҳлик операциялари намойиш қилинди. Бошқирдистон стоматологлари ассоциацияси президенти, «Витадент» ИТИ директори профессор Р.А.Ҳасанов иштирок этиб, ўз усули тўғрисида маъруза қилди ва бу усулни ўргатиш ва амалиётга татбиқ этиш масалалари ҳақида фикр алмашди.

2004 йил май ойида Фарғона шаҳрида вилоят бош стоматологи М.Исмоилов таклифи билан поликлиникада бир ҳафталик профессор Р.А.Ҳасанов раҳбарлигидаги «Тиш реплантацияси», аллотрансплантацияси ва имплантацияси мавзусида ўқув машғулотлари уюштирилди. Унда ўзлари амалиётга киритган тишлар периодонти ва пульпаси 18 ой давомида тирик сақлаш мумкин бўлган «Викон» консерванти тўғрисида маълумот берилди.

2004 йил октябрь ойида РСИМ бўлим бошлиғи Т.М.Муллаев Уфа шаҳрида профессор Р.А.Ҳасанов раҳбарлигидаги халқаро – «Витадент» тиббий концернида бўлиб, уларнинг тажрибаларини ўзлаштириб қайтди.

Ҳозирги кунгача 255 та реплантат ўрнатилди. Бу усулнинг афзаллигини ўз тажрибамизда синаб кўрдик ва бу усулнинг келажаги борлигини тушуниб етдик. Профессор Р.А.Ҳасановнинг махсус розилик хати билан унинг 2004 йилда чиқарилган

«Пересадка зубов» китобини ўзбек тилига таржима қилиб, уни ҳамкасбларимизга тақдим этмоқчимиз. Ҳурматли профессор тавсия қилаётган янги усулни ҳозирда барча марказий шаҳар ва туман стоматология поликлиникаларида қўллаш мумкин.

Сир эмаски, амалий стоматологияда барча босқичларда даволаш ёрдам бермаган тишлар олиб ташлаб юборилади. Айниқса, қишлоқ жойларида тишларни рентген ва бошқа диагностика усуллари билан текшириб бўлмаган ҳолатларда реплантация усули шифокор учун бирдан-бир нажот усули бўлиб қолади. Тиш-жағ тизими нуқсонларининг ривожланиши олди олинади, айниқса, инсон организмига ёт нарса киритилмайди.

Ўзимиз узоқ йиллар давомида дуч келганимиз тўсқинчиликлар, қийинчиликлар, мустақилликка эришишимиз туфайли барҳам топди. 2014 йилни Президентимиз томонидан халқимизнинг сиҳат-саломатлигига ғамхўрлик кўрсатиб, «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши бизни ушбу китобни ўзбек тилига таржима қилишга руҳлантирди. Умид қиламизки, бу китоб тиббиёт билим юртлари, олийгоҳлар, коллежлар, малака ошириш институтлари, илмий изланиш олиб бораётган мутахассисларимизга ва амалиётчи шифокорларимизга муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Мазкур монографияда тиш қатори нуқсонларини аллотрансплантатлар, реплантация усули, тиш куртакларини кўчириб ўтказиш йўли билан тиклаш, мумкин бўлган хато ва асоратлар тўғрисида тўлиқ маълумот берилган.

**Мансуров Б.М. – Республика стоматология имплантология
Маркази раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
тиббиёт ходими, ХХР фахрий профессори, т.ф.н.**

**Муллаев Т.М. – олий тоифали жарроҳ-
стоматолог-имплантолог**

КИРИШ

Тиш қатори нуқсонларини (дефект) уларга тиш трансплантатларини кўчириб ўтказиш йўли билан тиклаш, инсоният интилиб келган тиш протезининг энг мукамал намунасидир.

Тишларнинг қисман тушиб кетиши тиш-жағ тизимининг энг кўп тарқалган патологиясидир, С.В.Боровский, З.М.Кузьмина, С.А.Васина ва бошқалар, (1987), Е.И.Гаврилов (1987), Е.И.Криштаба, А.И.Довбенко (1984), Г.А.Колос, Г.Г.Тарабрин (1984), D.Smith, J.Zarb (1989) ларнинг фикрича, тиш қатори ва тиш жипслашишидаги бузилишлар ривожланишининг асосий сабаби бўлиб хизмат қилади. Д.И.Щербатюк (1986), В.П.Зеновский (1984, 1985), В.Э.Тихонов (2000), В.К.Леонтьев, О.Г.Аврамов (2001), Е.Е.Маслок ва бошқ. (2001), В.Д.Пантелеев, Д.А.Гаврилов, Л.А.Шавляковларнинг маълумотлари бўйича болаларнинг 10–24 % 14 ёшга келиб тиш қаторининг кичик дефектларига эга, юқори синф ўқувчиларининг 31,9 % тиш қатори ва тиш қопламаси дефектларининг ортопедик даволашга мухтождир.

Тиш қатори узлуксизлигининг бузилиши дефект яқинида патоморфологик ва функционал ўзгаришларга олиб келиши ва бутун тиш қаторига, сўнг бутун организмга тарқалиши экспериментал ва клиник кузатувлар асосида аниқланган (Бочарова Г.М. 1975; Рогинский В.В. 1984). Бу ўзгаришлар тишларни дефект (нуқсон) томонга ёнбошлаши, тишларни электр кўзғалувчанлиги пасайиши ва антагонистлардан маҳрум бўлган тишлар пародонтининг суяк тўқимаси сийраклашишида ифода этилади. Болаларда тишлар йўқлиги юзнинг қуйидаги турғун, баъзида эса тузатиб бўлмас ўзгаришларига олиб келади: юмшоқ тўқималарнинг сезиларли зичлашуви, тепа лабнинг қисқариши, жағларни прогеник муносабати, бемор юзига қаримсиқ берувчи юзнинг паст бўлимининг пасайиши (В.А.Дистель, В.Г.Сунцов,

В.Л.Васильев 1987; Е.И.Гаврилов 1980; И.Н.Чупрунова Л.М.Лукиных, Б.Н.Лившиц 2001).

Тишларнинг мавжуд эмаслиги меъда-ичак аъзолари, нутқ фаолияти бузилишига олиб келади. 13–15 ёшли болалар мулоқотга камроқ киришадиган, одамови, кам куладиган бўлиб қолади. Буларнинг барчаси охир-оқибатда турли асаб бузилишларига олиб келади (В.С.Иванов, Г.Д.Овруцкий, В.В.Гемонов 1984; В.С.Иванов, Л.И.Урбанович, В.П.Бережной, 1990; Н.А.Плотников, П.Г.Сысолятин, В.М.Безруков, 1984; Е.В.Боровский, З.М.Кузьмина, С.А.Васина, Т.А.Смирнова, 1987).

Тиш қаторида камчиликлари бўлган одам шифокорга ясама тиш қўйдириш мақсадида мурожаат қилади. Шифокор дефект яқинида жойлашган интакт тишларни чархлайди. Кейин бу чархланган тишларга қоплама кийдирилади. Маълумки, атиги 5–6 йилдан сўнг илгари соғлом бўлган тишлар қоплама остида чирийди ва кейинчалик суғуриб ташланади. Шу кетишда дефект яқинидаги қўшни интакт тишлар бора-бора охирги тишгача чархланади. Натижада статистика кўрсатиши бўйича, шифокор – ортопед ҳаётининг 4–5 йили давомида бирламчи беморларни қабул қилади, кейинги йилларда эса фақат ўзи қилган ишни қайта такрорлайди, ҳар сафар бемор оғзидаги тиш қатори дефектини кенгайтириб беморни ечиладиган бутун протезгача олиб келади.

Афсуски бугунги кунда – бу меъёр бўлиб қолди. Чунки шифокорлар тиш қатори дефектларини бошқа йўл билан алмаштира олмайдилар, бемор эса шифокор ёрдамининг мутлақ янги турини ололмайди. Бунинг натижасида кўп қимматбаҳо ва ғаройиб ускуналар билан тўла бизнинг ортопедик хоналар соғлом тишларни емирувчи қонунлаштирилган ва яхши йўлга қўйилган конвейер бўлиб қоляпти.

Туришидан барча ортопедик хоналаримиз инсоният тараққиёти тарихида вақтинча ҳодиса шекилли. Балки 100 – 200 йилдан сўнг аждодларимиз шундай вақт бўлганки, инсоният интакт тишларни шикастламай тиш қатори дефектини йўқотиш услубиётига эга бўлмаган деб айтишар. Тишларни шифокор – стоматологлар виждон азобисиз чархлашар ва емиришар эди, чунки уларгача ҳам шундай бўлган, уларни шунга ўргатишган.

Лекин мана 20 йил мобайнида тиш қатори дефектларини алмаштиришда имплантатлар фаол қўлланилмоқда. Бу ортопедик стоматологияда янги босқичдир. Қўшни соғ тишларни шикастламай тиш қатори дефектини алмаштириш усулларидан турли конструкцияларни бемор жағига имплантат ўрнатиш ва келгусида шу имплантатларга ортопедик протезлар ўрнатиш услугиёти алоҳида эътиборга сазовор.

458 та беморларда 952 пластинкали имплантатларни ретроспектив клиник тадқиқоти тўғрисида Cranin A ва бошқалар (1977) хабар берадилар. Улар тарафидан клиник ва рентгенография маълумотлари ўрганилган. Муаллифларни айтишича, 5 йил мобайнида беморларнинг 55 % да муваффақиятли натижалар кузатилган.

Smithlott ва Fritr (1976, 1982) 32 кишида 49 та пластинкали имплантатларни текшириш узок муддатдан кейинги натижаларини келтирганлар. 5 йилдан сўнг улар 33 та имплантатли 22 беморни текширишга муваффақ бўлган. Текширилган имплантатлардан атиги 14 таси (42%) беморларни қониқтирар эди.

Smithlott ва Fritr (1982, 1987) имплантациянинг узок муддатдан кейинги натижаларини 10 ва 15 йилдан сўнг тақдим этдилар. 18 бемордаги 26 имплантат ўрганиб чиқилди. 26 имплантатдан 13 таси қониқарли деб топилди. Қолган 13 та ҳолларда имплантат атрофида суяк тўқимасининг сийраклашгани, чуқур суяк чўнтаклари борлиги кузатилди. Яна 14 киши текширилмаган бўлганига қарамай, муваффақият даражаси 50 % ни ташкил этди.

Йиллар ўтган сайин назарий ва амалий тажриба тўплаган имплантологлар янада яхшироқ клиник натижаларга эга бўла ола бошладилар. Hermann ва бошқалар (1999) 5 йил мобайнида Branemark тизимидаги 1738 та имплантатни 487 нафар беморда ўрганиб, операцияларнинг 91,4 фоизидан ижобий натижалар олдилар. Davarpanah M. ва бошқалар (2001) 5 – 6 йил давомида 614 имплантат ўрнатилган 189 беморни кузатишган. Бунда 92,9% ҳолларда ижобий натижалар қайд этилди. А.И.Сидельников (1998) имплантация қилинган беморларни 3–6 йил мобайнида кузатди: ўрнатилган пластинкали имплантатларнинг 98% ва винтли имплантатларнинг 93,7% ҳолатида ижобий натижалар



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/761> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/761> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/761>